

“МАЪҚУЛЛАНГАН”
“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Бошқарувининг
2022 йил “16” иёлғон даги
50-1-сонли қарори билан


“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки
Кузатув кенгаши мажлисининг
2022 йил “16” иёлғон даги
39-сонли баённомаси билан

Бошқарув раиси



О. Бутаев

Кузатув кенгаши раиси



О. Исаков

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг
Аудит қўмитаси тўғрисидаги
Низом
(янги таҳрирда)

Тошкент – 2022 йил



1-боб. Умумий қоидалар

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 марта даги 166-сон қарори билан тасдиқланган “2021-2025 йилларда давлат иштироқидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси”, “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида” (рўйхат рақами 3254, 2020 йил 30 июнь), “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги (рўйхат рақами 3302, 2021 йил 7 май) Низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, шунингдек “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг (кейинги ўринларда – банк) Устави, “Кузатув кенгashi тўғрисида”ги Низом ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг Аудит қўмитасининг (кейинги ўринларда – Қўмита) вазифа ва ваколатлари, мажбуриятлари, иш тартиби, мажлислар даврийлиги, Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим қилиш тартиби ва бошқа фаолият асосларини белгилайди.

3. Қўмита банкнинг ички назорат тизимини самарали ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.

4. Қўмита банк Кузатув кенгашига ҳисобдор бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, банк Устави ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Қўмитанинг асосий вазифаси ваколат доирасида масалаларни чуқур ўрганиш ҳамда улар бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, шунингдек, банк Кузатув кенгашининг назоратга доир вазифаларини бажаришида унга кўмаклашиш ҳисобланади.

Қўмита банк Кузатув кенгashi қарорларининг ижроси, банк стратегияси ва мақсадларининг бажарилиш жараёнини таҳлил қиласи, банк фаолиятига оид мунтазам ҳисоботлар ва ўзларининг тавсияларини Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

2-боб. Қўмитанинг вазифа ва ваколатлари

6. Қўмита ўз фаолияти давомида қўйидаги вазифаларни бажаради:

молиявий ҳисобот ва ички аудит хизмати билан боғлиқ банк ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш жараёнида иштирок этиш;

назоратга оид, молиявий ва бошқа ҳисоботларнинг тақдим этилишини, тўлиқлигини, ишончлилигини назорат қилиш;

ўз ваколати доирасидаги масалалар юзасидан Кузатув кенгаши мажлислариға маълумотлар тайёрлаш ва Кузатув кенгашига ҳисоботлар тақдим этиш;

банкнинг ички ва ташқи аудиторлар билан ўзаро алоқасини назорат қилиб бориш;

Ички аудит департаменти директори – Бosh аудиторни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласини кўриб чиқиб, банк Кузатув кенгашига таклиф киритиш;

Бош аудиторнинг тавсиясига кўра Ички аудит департаменти ходимларини лавозимларга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш масаласини кўриб чиқиб, қарор қабул қилиш;

Ички аудит департаменти директори – Бош аудиторнинг таклифига биноан Ички аудит департаменти аудиторларининг таркибини тасдиқлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш учун Ички аудит департаменти ходимларининг Ички аудит хизмати доирасидаги ротацияси ҳамда банк ходимларининг бошқа таркибий бўлинмалардан Ички аудит департаментига ёки Ички аудит департаменти ходимларининг бошқа таркибий бўлинмаларга ротациясини амалга ошириш;

Ички аудит департаменти билан доимий равишда ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали унинг фаолиятини назорат қилиш, департаментнинг йиллик бюджетини ҳар йилнинг 1 январига қадар тасдиқлаш;

Ички аудит департаментининг чораклик ҳисоботларини кўриб чиқиши ва Кузатув кенгашига тақдим этиш;

Ички аудит департаменти ходимлари, шу жумладан Бош аудиторнинг иш ҳақи миқдорини белгилаш, шунингдек банкнинг молиявий ҳолатига боғлиқ бўлмаган ҳолда уларни қўшимча моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш;

Ички аудит департаменти ходимларининг касбий малака ва кўнилмалари мунтазам ва узлуксиз ўқув жараёни орқали ошириб боришда кўмаклашиш;

Ички аудит хизматининг банк фаолияти, шу жумладан ундаги ички назорат, таваккалчиликларни бошқариш тизимлари ва банк бизнесжараёнлари ташкил қилиниши самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни кўриб чиқиши;

банкнинг ички назорат тизими ва ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги ва монандлигини таъминлаш учун уларни баҳолаш, Ички аудит департаменти директори – Бош аудитор ўз вазифа ва мажбуриятларини қай даражада амалга ошираётганлигини баҳолашда иштирок этиш ва ўз фикрларини билдириш, Бош аудитор билан биргаликда даврий равишда (йилда камидан бир марта) Ички аудит департаментининг ҳар бир ходимини унинг ахборотни танлаш, текширув ўтказиш ва хulosаларни тайёрлаш салоҳиятидан келиб чиқиб касбий маҳорат даражасини баҳолаб бориш;

ҳар чоракда камидан бир марта Ички аудит департаменти директори – Бош аудитор билан учрашув ўтказиб, Ички аудит департаменти фаолиятига оид масалаларни муҳокама қилиш;

хар ярим йилликда камида бир марта ташқи аудитор билан учрашув ўтказиш;

ташқи аудитор таклифларини баҳолашда банк Кузатув кенгашига амалий ёрдам бериш, ташқи аудиторни танлашда банк Кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш;

ташқи аудиторларнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузилиши (бекор қилиниши) тўғрисида банк Кузатув кенгашига таклифлар киритиш;

ташқи аудиторлар учун техник вазифаларни ишлаб чиқишида банк Кузатув кенгашига амалий ёрдам бериш ва ташқи аудитнинг ҳажми ва даврийлигини аниқлаш;

ички ва ташқи аудит ҳисоботларини қабул қилиб олиш ҳамда уларда ва бошқа назоратни амалга оширувчи бўлинмалар томонидан аниқланган қонунчиликка, банкнинг сиёсатлари ва ички ҳужжатларига номувофиқликлар ва камчиликларни банк Бошқаруви томонидан ўз вақтида бартараф этилиши, шунингдек аудиторлар томонидан тақдим этилган тавсияларнинг банк Бошқаруви томонидан бажарилиши устидан назорат қилиш;

ташқи аудиторлик ҳисбот ва хуносаларни кўриб чиқиш ва уларни банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

ташқи аудиторлар фаолияти қониқарсиз деб баҳолангандан тақдирда, уларни ўзгартириш юзасидан банк Кузатув кенгашига тавсиялар бериш;

банк фаолиятининг шаффоғлиги ва маълумотларнинг ошкор қилиниши етарли даражада ва аниқ эканлигини кўриб чиқиш;

ўз фаолияти тўғрисида ҳисбот тайёрлаш;

ички ва ташқи аудитнинг тавсияларини бажариш жараёнини бошқариш бўйича ишларни банк Бошқаруви раиси билан мувофиқлаштириш;

ташқи аудитнинг раҳбариятга йўлланган хатларни кўриб чиқиш ва уларни банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

Ички аудит департаменти фаолияти мустақиллигини таъминлаш ва унинг фаолиятига, шунингдек, текширувлар таркиби ҳамда ҳажмига Бошқарув аъзолари, банк таркибий бўлинмалари ҳамда филиалларининг бошқа раҳбарлари аралашишига йўл қўймаслик;

Ички аудит текширувлари режаси ва уларнинг даврийлигини кўриб чиқиш, Ички аудит департаментига банк Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган йиллик Иш режадан ташқари вазифалар юкланиши Ички аудит департаментининг иш сифати ва самарадорлиги тушишига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни ўрганиш ва тавсия бериш;

банк ва ташқи аудитор ўртасидаги ўзаро муносабатларни амалга ошириш ва/ёки алоқаларниbekor қилиш, ташқи аудит ўтказиш жараёнини таъминлаш, шунингдек ташқи аудит сифати ва мустақиллигига баҳо бериш;

банк Кузатув кенгаши томонидан юклатилган бошқа вазифаларни бажариш, шунингдек банк сиёсатлари ва ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш.

7. Құмита үз фаолияти давомида қуидаги масалаларни күриб чиқыш амалға ошириш ваколатига ега:

банкнинг Ички аудит департаменти тузилмаси ва таркиби бўйича банк Кузатув кенгашига тавсиялар тақдим этиш, шунингдек банкнинг Ички аудит департаменти директори – Бosh аудиторни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш бўйича банк Кузатув кенгашига тегишли тавсияларни тақдим этиш;

банқда Ички аудит хизматини самарали ташкил этиш мақсадида ходимлар (Бosh аудитор бундан мустасно) ротациясини амалға ошириш, уларга иш ҳақи, устама ҳақ ва мукофотлар миқдорини қайта кўриб чиқиши, ходимларнинг малакасини мунтазам ошириб бориш, заруратга кўра ички аудит хизматининг йиллик бюджетига ўзгартиришлар киритиш;

банкнинг Ички аудит департаменти тўғрисидаги Низомини, унга ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар киритишни тасдиқлаш юзасидан банк Кузатув кенгашига тавсияларни тақдим этиш;

банкнинг ички аудитини ўтказиш учун йиллик Иш режаларни (таркиби, ҳажми ва муддати) тасдиқлаш юзасидан банк Кузатув кенгашига тегишли тавсияларни тақдим этиш;

тасдиқланган Иш режага мувофиқ ички аудитнинг амалға оширилиши тўғрисидаги маълумотларни мунтазам равишда олдиндан эшитиб бориш;

ўтказилаётган текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш устидан назорат олиб бориш бўйича банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит департаментига шарҳ ва таклифларни тақдим этиш;

банкнинг ички аудитини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек, бундай текширувлар вақтида Ички аудит департаментининг мустақиллигига риоя қилиш юзасидан банк Бошқаруви билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш;

банкнинг Ички аудит департаменти ходимлари (шу жумладан Бosh аудитор) иш ҳақи, устама ҳақ ва мукофотлар миқдорини белгилаш ва бошқа харажатларни амалға ошириш бўйича ички аудит хизматининг йиллик бюджетини тасдиқлаш;

ўтказилган аудит натижалари бўйича Ички аудит департаментининг ҳисоботларини ўрганиш, ҳисоботларни якунлаш бўйича шарҳ ва таклифларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

ўтказилган ички аудит текширувлари юзасидан Ички аудит департаменти ҳисоботларини дастлабки ўрганиш натижалари бўйича банк Кузатув кенгаши учун тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ички аудит департаменти томонидан ўтказилган текширишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича банк Бошқаруви томонидан ишлаб чиқилган режавий чора-тадбирларни тасдиқлаш, шунингдек ушбу чора-тадбирлар режасининг бажарилишини назорат қилиш;

Ички аудит департаменти томонидан ўтказилган текширувлар натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш масалалари бўйича Ички аудит департаменти ва банк Бошқарувининг даврий ҳисоботлар жадвалини тузиш ва уларга риоя этилишини назорат қилиш;

банк Кузатув кенгашига аудиторлик хизматларидан ташқари бошқа хизматларни тақдим этиш учун ташқи аудиторни жалб қилинишидаги сиёсат ва қоидаларининг мазмуни ва тасдиқланиши бўйича тавсияларни кўриб чиқиш ва тақдим этиш, мазкур сиёсатга риоя этилишини назорат қилиш;

аудиторлик хизматларидан ташқари хизматларни тақдим этиш учун ташқи аудиторнинг жалб қилинишини олдиндан тасдиқлаш;

банқда ички назорат тизими тўғрисидаги Низом ва Ҳисоб сиёсати тасдиқланишида уларнинг мазмунини муҳокама қилиш ва тайёрлашда иштирок этиш ва ушбу тизимни ривожлантириш бўйича тавсияларни банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

хар йили камида бир маротаба банкнинг ички бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича банк Бошқарувининг режалари ва ҳисботларини олдиндан кўриб чиқиш, ушбу масалалар бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш ва банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

банк стратегиясини ишлаб чиқиша, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда иштирок этиш, шу жумладан банк Кузатув кенгашига банк стратегиясини ишлаб чиқиша банкнинг ички назорат тизимини ривожлантириш бўйича тегишли тавсиялар бериш;

банқда бизнес-жараёнларнинг мунтазам янгиланишини назорат қилиш ва ушбу масалалар бўйича банк Кузатув кенгашига тавсиялар бериб бориш (банк Бошқаруви билан тўғридан-тўғри алоқада бўлиш, шу жумладан унинг ҳисботларини тинглаш орқали);

банқда хатарларни бошқариш тизими ва ички назорат муҳитини тартибга солувчи ташкилий базани қуриш ва унинг самарадорлиги бўйича учинчи шахсларнинг хulosаларини муҳокама қилиш, шунингдек уни такомиллаштириш ва бу борада банк Кузатув кенгашига тавсиялар бериш, шунингдек банкнинг тегишли ички норматив ҳужжатларини ишлаб чиқиша иштирок этиш;

банкнинг ташқи аудиторини танлаш жараёнини ташкил этиш ва бу бўйича масалалар (аудитнинг сифатига қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда, ташқи аудитор учун таклиф қилинадиган ҳақнинг етарлилиги ва ташқи аудитор билан тузилган шартномада белгиланган шартлар)ни кўриб чиқиша банк Кузатув кенгашига тавсияларни тақдим этиш;

аудит жараёнида ташқи аудиторни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан банк Бошқаруви ва ходимлари томонидан аудиторнинг асосли сўровларига муносиб жавоб берилишини, ташқи аудитнинг сифатли бажарилишини таъминлаш учун унга зарурӣ маълумотлар, ҳужжатлар ва тушунтиришлар беришларини таъминлаш;

Банкни текшириш пайтида ташқи аудиторнинг ваколатли вакилларига банк Кузатув кенгаши ва Қўмита аъзолари билан боғланиш имкониятини яратиб бериш;

аудитнинг сифатини кўриб чиқиш ва зарур бўлганда банк Кузатув кенгашига ушбу масала бўйича ўз хulosалари ва тавсияларини тақдим этиш;

аудитор билан олдиндан унинг оралиқ ва якуний натижаларини муҳокама қилиш, у билан аудиторлик хulosасини муҳокама қилиш, аудит

натижалари ва аудиторлик ҳисоботини олдиндан ўрганиш натижалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва банк Кузатув кенгашига тақдим этиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш, шунингдек банк Кузатув кенгашининг Қўмита фаолиятидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган кўрсатмаларини бажариш.

3-боб. Қўмитанинг таркиби ва уни шакллантириш тартиби

8. Қўмита аъзолари банк Кузатув кенгашининг 3 (уч) нафар аъзосидан ташкил топади.

Қўмита таркибида 1 (бир) нафар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси киритилиши шарт.

9. Қўмитанинг таркиби банк Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

10. Қўмита таркибида унинг раиси ва аъзолари банк Кузатув кенгаши раиси тавсияси билан киритилади.

11. Қўмита таркиби ва аъзолигига чекловлар:

Қўмита бошқа қўмита аъзолигида бўлган айнан бир шахслар таркибидан иборат бўлиши мумкин эмас;

банк Кузатув кенгашининг бир аъзоси бир вақтнинг ўзида турли қўмиталар раиси бўлишига йўл қўйилмайди;

Қўмитанинг кўпчилик аъзолари банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг банк Кузатув кенгашдаги аъзолиги мустасно;

Қўмита раиси банк Кузатув кенгаши раиси бўлмаслиги лозим;

Қўмита аъзоси бир вақтнинг ўзида банк аудиторлик ташкилотининг ходими бўлмаслиги керак;

Қўмита аъзосининг яқин қариндошлари банк аудиторлик ташкилотининг ходими бўлмаслиги керак.

12. Қўмитанинг аъзоларига қўйилган талаблар:

Қўмита аъзолари олий маълумотга эга бўлиши керак;

Қўмита аъзолари аудит хизмати мақсадлари ва вазифаларига мос келувчи малака ва тажрибага эга бўлиши лозим;

Қўмитанинг камидаги битта аъзоси аудит, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисбот бўйича камидаги 5 йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

13. Банк Кузатув кенгаши аъзоси бўлган, Қўмитага сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланишлари мумкин.

14. Банк Кузатув кенгаши раиси ёки Қўмита раиси заруриятга кўра, Қўмитанинг таркибида исталган вақтда ўзгартиришлар киритишни ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.

4-боб. Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати

15. Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати банк Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланади.

16. Банк Кузатув кенгаши Қўмита таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорига асоссан, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатини белгилаш ҳуқуқига эга.

17. Агар Қўмита аъзоларининг ваколатлари муддати банк Кузатув кенгашининг қарори билан белгиланмаган бўлса, Қўмита аъзоларининг ваколатларини амалга ошириш учун бу муддат банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколати муддатига қадар амал қиласди, Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари қўйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилиши мумкин:

Қўмита аъзосининг ўз илтимоси (аризаси)га биноан;

Қўмита аъзосининг банк Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

банк Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ Қўмита аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилганда;

банк Кузатув кенгашнинг янги таркиби сайланиши муносабати билан.

19. Қўмитанинг барча ёки алоҳида аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилиши банк Кузатув кенгаши қарори билан расмийлаштирилади.

5-боб. Қўмита аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

20. Қўмита аъзолари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Қўмита мажлислари кун тартиbidаги масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Қўмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартиbidаги ҳар бир масала бўйича қарор қабул қилинишида овоз бериш;

Қўмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Қўмита мажлисларида қатнашиш ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усуllар билан қарорлар қабул қилиш;

банк Кузатув кенгаши, Бошқаруви ва банкнинг тегишли таркибий бўлинмасидан Қўмита ваколати ва вазифалари доирасида ҳар қандай масала бўйича тўлиқ, асосли фикрни шакллантириш учун зарур ва етарли даражада маълумот ва ҳужжатларни сўраш;

Қўмита томонидан кўриб чиқиладиган ҳар қандай масалалар бўйича ўзининг алоҳида фикрини билдириш ва унинг алоҳида фикрини Қўмита мажлиси баённомасида акс эттиришни ва уларни қўмитанинг қарори (тавсиялари) билан биргалиқда банк Кузатув кенгашига тақдим этишни талаб қилиш;

ўзининг асосий вазифалари ва ваколатларига мос келадиган масалаларни Қўмита томонидан кўриб чиқилишига таклиф киритиш;

аудиторлик ташкилоти ва Ички аудит департментидан ҳужжатларни ва материалларни сўраб олиш ва улардан фойдаланиш;

агар банкка жиддий моддий зарар етказилишига олиб келган ёки етказилишига олиб келиши мумкин бўлган қоидабузилишлар аниқланса, Бошқарув мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

банкнинг таркибий бўлинмалари ходимлари, шу жумладан раҳбарларидан кўриб чиқилаётган масалалар бўйича изоҳлар талаб қилиш;

айбдор ходимларни интизомий, мулкий ва бошқа турдаги жавобгарликка тортиш масалаларини Башқарувга күриб чиқиш учун тақдим қилиш;

банкнинг дастлабки бухгалтерия, молия ва бошқа ҳужжатларидан фойдаланиш;

Құмита ваколатлари доирасидаги қарор ва топшириқларни бажариш, құмита мажлисларида иштирок этиш мақсадида зарур бўлган ҳолатларда құмита раиси қарори билан банкнинг раҳбар ходимларини, банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини даврий ёки мунтазам равишда таклиф этиш;

Құмита фикрига кўра масалани чуқурроқ ўрганилишига зарурат бўлса, Құмита ваколатларига тегишли бўлган масала бўйича ўз ташаббусига кўра, банк Кузатув кенгашининг бошқа қўмиталарининг фикрини талаб қилиб олиш;

Құмита мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш, кун тартибидаги масалалар, қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини құмита мажлиси баённомасига киритишни талаб қилиш;

банк Кузатув кенгashi томонидан тасдиқлаш учун мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар бериш;

Құмита мажлиси кун тартибига киритиш учун масалалар таклиф қилиш;

зарур ҳолларда Құмита ваколати ва вазифаларига кирувчи масалалар бўйича маҳсус билимга ва қўникма эга бўлган учинчи шахсларни мутахассис (маслаҳатчи) сифатида жалб қилиш;

қонунчиликка мувофиқ Құмита аъзолари бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Құмита аъзоларининг мажбуриятлари:

Құмита мажлисларида қатнашиш, Құмита кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда фаол иштирок этиш;

Құмита мажлисларида шахсан қатнашиш имконияти бўлмаган тақдирда, Құмита мажлисларида масофадан онлайн қатнашиш ва/ёки ушбу Низомда назарда тутилган бошқа усууллар билан қарорлар қабул қилиш;

Құмита мажлисида тақдим этилган материаллар ва ҳужжатлар билан танишиш ва уларни ўрганиш;

Құмита томонидан ўз мажлисларининг кун тартибида қарорлар қабул қилинишида овоз бериш;

Құмита мажлисининг кун тартибида муҳокама қилинаётган масалалар бўйича шахсий манфаатдорлиги мавжудлиги тўғрисида Қўмитанинг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

Құмита мажлисининг кун тартибидаги масалаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш вақтида манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақида Құмита ва банк Кузатув кенгашининг бошқа аъзоларини дарҳол хабардор қилиш;

ҳисоб сиёсатини тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига киритиш ҳамда унинг ижросини назорат қилиш;

молиявий ҳисобот, шу жумладан, консолидациялашган ҳисоботнинг бухгалтерия стандартлари ва ҳисоб сиёсатига мувофиқлигини таҳлил ва назорат қилиш;

Қўмита банк аудиторлик ташкилотининг сўровига кўра, аудиторлик текшируви жараёнида юзага келган масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушуниришлар бериш;

банк акциядорларининг хуқуqlари, манфаатлари ва қизиқишлирини ҳимоя қилиш принциплари асосида фаолият юргизиш;

ўз вазифаларини бажаришда банкка зарар етказиши ёки бошқа зарар етказиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик, шунингдек ҳаракатлар ва баёнотларни бажаришдан тийилиш;

банк тизимида банк сири ва тижорат сирига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда сир сақланишини таъминлаш.

Қонунчиликка мувофиқ Қўмита аъзоларига бошқа мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

6-боб. Қўмита раиси ва унинг ваколатларига қўйиладиган талаблар

22. Қўмита раиси Қўмита ишига раҳбарлик қилиш ва унинг банк Кузатув кенгаши билан муносабатларини мувофиқлаштириш функцияларини бажаради.

23. Қўмита раиси молиявий ҳисобот ва аудитни, шу жумладан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, аудит хизмати жараёнини ва аудиторларнинг мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ билимларга эга бўлиши керак. Қўмита раиси, шунингдек, етакчилик фазилатларини, кучли мулоқот кўникмаларини эгаллаши ва намойиш қилиши, ўз вазифаси ва мажбуриятлари билан боғлиқ вазифаларини билиши ва тушуниши керак.

24. Қўмита раисининг ваколатларига қўйидагилар киради:

Қўмита ишини умумий бошқариш ва ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартибини тасдиқлаш;

Қўмита мажлисларини чақириш;

Қўмита мажлисларида раислик қилиш ва масалалар муҳокамасини ташкил этиш;

Қўмита мажлисларининг кун тартиbidаги масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича банк Кузатув кенгашига тавсияларни тақдим этиш;

Банкнинг Ички аудит департаменти ходимлари билан тузиладиган меҳнат шартномаларини имзолаш, бундан шундай ваколат бошқа шахсларга берилган ҳолатлар мустасно;

Банк Кузатув кенгаши қарорлари билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш ва Қўмита номидан ҳужжатларни имзолаш.

7-боб. Қўмита иш тартиби ва мажлислари

25. Қўмита мажлислари заруратга қараб ёки Қўмита мажлислари жадвалига мувофиқ, лекин ҳар чорақда камида бир марта ўтказилади.

26. Қўмита мажлиси Қўмита раисининг ёки у бўлмаган тақдирда унинг ўрнини эгаллаш ҳуқуқига эга бўлган шахс, банк Бошқарув раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс, зарур ҳолларда Бошқарувнинг бошқа аъзолари, Ички аудит департаменти директори – Боз аудитор ёки унинг ўрнини босувчи шахс, шунингдек банк Кузатув кенгashi ёки Қўмита аъзоси талабига биноан чақирилиши мумкин.

27. Қўмита мажлисида Қўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган бўлса, мажлис кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ваколатига (кворумга) эга бўлади.

28. Қўмита аъзолари Қўмита мажлисларида баланд овозли видео ёки телефон алоқаси ёки бошқа ажратилган алоқа каналлари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бироқ, бу ҳолатда иштирок этиш тизими қўйидагиларни таъминлаши керак:

тизимга уланиш усувлари Қўмита аъзосининг шахсини ишончли аниқлашга имкон берса;

Қўмита аъзоси томонидан тақдим этилган овоз аниқлик билан қайд этилса;

Қўмитанинг ҳар бир қарори учун овоз беришда Қўмита аъзосига мажлис кун тартибидаги бирон-бир масала бўйича ўз фикрини билдириш ва реал вақт режимида унинг муҳокамасида иштирок этиш имкониятига эга бўлса;

шунингдек тижорат, расмий, Банк ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирларнинг сақланишини таъминласа.

29. Қўмита аъзоларининг Қўмита мажлисида шахсан ёки ушбу Низом 27-бандида назарда тутилган бошқа усувлар билан иштирок этиш имкони бўлмаса, Қўмита аъзоси Қўмита раиси билан келишилган ҳолда олдиндан ёзма равишка (бюллетенни тўлдириш ёки бошқа тарзда) Қўмитанинг тегишли мажлиси кун тартибига овоз бериш ҳуқуқига эга. Қўмита аъзосининг илгари берилган овозлари ушбу мажлисда қатнашган Қўмита аъзоларининг овозларини ҳисоблашда ҳисобга олинади, агар ушбу овоз ушбу мажлисда қатнашган Қўмитанинг қолган аъзоларининг фикрига биноан бир овозли ва асосли равишка берилган бўлса. Қўмита қарорларини қабул қилишда бундай иштирок этишга Қўмита аъзоларининг камида учдан икки қисми шахсан қатнашган тақдирда йўл қўйилади.

30. Зарур бўлганда, банкнинг Кузатув кенгashi бошқа аъзолари, Бошқарув аъзолари, бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари Қўмита мажлисларига овоз бериш ҳуқуқисиз таклиф қилиниши мумкин.

31. Қўмитага раҳбарлик қилиш ва фаолиятини ташкил этиш Қўмита раиси томонидан амалга оширилади. Қўмита раиси бўлмаганда унинг вазифасини Қўмита аъзоларидан бири амалга оширилади.

32. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Қўмитанинг ҳар бир аъзоси фақат ўзи учун овоз бериши мумкин ва унинг овозидан фойдаланган ҳолда Қўмитанинг бошқа аъзоси номидан овоз бериш таъкиланади.

Овозлар тенг келган тақдирда, Құмита раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

33. Құмитанинг қарорлари очиқ овоз бериш орқали Құмита аъзолари умумий овозининг оддий күпчилік овози билан қабул қилинади. Овозларни санаш, уларни аниқлаш ва овоз бериш натижаларини акс эттириш Құмита мажлиси котиби томонидан амалга оширилади.

34. Алоҳида ҳолларда, Құмитанинг қарорлари сиртдан овоз бериш орқали қабул қилиниши мумкин. Құмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш имконияти Құмита раиси томонидан алоҳида ҳолатларда ва күриб чиқилаётган масалаларнинг долзарбилиги даражасини ва уларни тезкор күриб чиқилишини ҳисобга олган ҳолда Құмита аъзолари билан келишилган ҳолда белгиланади.

35. Құмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори, кун тартибидаги масалалар бўйича Құмита аъзоларининг умумий сонига ва улар бўйича овоз бериш натижаларига кўра, Құмита раиси томонидан (қофозда ёки электрон тарзда) олинган овоз бериш бюллетенлари ҳисобга олинган кворум бўлса, қабул қилинган деб ҳисобланади. Белгиланган муддат тугагандан сўнг олинган овоз берилмаган ҳисобланади ва овоз бериш бюллетенлари овоз бериш кворумини ва овоз бериш натижаларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайди.

36. Банк Бошқаруви аъзолари, Ички аудит департаменти ва бошқа таркибий бўлинмалари ходимлари Құмитага ёрдам кўрсатиши, шунингдек ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Құмитанинг кўрсатмаларини бажариши шарт.

37. Банк Бошқаруви ва бошқа таркибий бўлинмаларнинг Құмитага мурожаатлари одатда банк Кузатув кенгаши котибияти орқали тақдим этилади.

38. Құмитанинг қарор, топшириқ, кўрсатма ва бошқа мурожаатлари тегишинча банк Бошқаруви ва бошқа таркибий бўлинмаларига Кузатув кенгаши котибияти орқали ёки зарур ҳолларда тўғридан-тўғри етказилади.

39. Құмита мажлисларида банк Кузатув кенгаши котибияти ходимларидан бири котиблик қиласида ва мажлис котиби Құмита мажлисларида овоз бериш ҳуқуқисиз иштирок этади. Заруратга кўра, Құмита мажлис бошланишида банкнинг бошқа таркибий бўлинма ходимларидан бирини котиб этиб сайлаши мумкин.

8-боб. Құмита мажлисларининг қарорлари

40. Құмитанинг мажлисида қабул қилинган қарорлар мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади.

41. Құмита мажлиси баённомаси Құмита котиби томонидан беш иш кунида тузилади ва мажлисга раислик қилган шахс, Құмита аъзолари ва котиби томонидан имзоланади.

42. Құмита мажлисининг баённомаси ушбу мажлисда қатнашган Құмита аъзолари билан таништирилиши ва уларнинг розиликларини олиш учун тасдиқланиши керак. Құмита мажлиси баённомасининг бундай тасдиқланиши электрон алоқа воситасида, шунингдек Құмитанинг кейинги мажлисида амалга оширилиши мумкин.

43. Агар Қўмита аъзоси Қўмита мажлисида қабул қилинган қарорига рози бўлмаса, у ўзининг алоҳида фикрини ушбу мажлис баённомасида акс эттиришни ёзма равишда талаб қилишга ҳақлидир, бунда ушбу Қўмита аъзосининг ёзма сўрови мажлиснинг тегишли баённомасига мажбурий илова ҳисобланади.

44. Қўмита мажлисининг баённомасида қуидаги маълумотлар бўлиши керак:

мажлис санаси, вақти ва жойи;

мажлисда иштирок этган Қўмита аъзолари ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

мажлис кун тартиби;

мажлис қатнашчилари томонидан овозга қўйилган Қўмита қарорларининг матни;

мажлис қатнашчиларининг овоз бериш натижалари (ушбу мажлис иштирокчиларини “ёқлайман”, “қаршиман”, “бетарафман” вариантлари бўйича овоз берганларни аниқлашга имкон берадиган маълумотлар кўрсатилган ҳолда);

Қўмитанинг қабул қилинган қарорлари матни;

Қўмита қарорига биноан бошқа маълумотлар.

45. Қўмитанинг сиртдан овоз бериш орқали қабул қилинган қарори ёзма шаклда расмийлаштирилади, уни Қўмита раиси ва котиби имзолайди, шунингдек, улар тақдим этган сиртдан овоз бериш бюллетенларида ёки бошқача тарзда ўз позицияларини билдирган Қўмита аъзолари томонидан тасдиқланади.

46. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар (ташқи мажлислар ёки сиртдан овоз бериш) асосида, кўриб чиқилаётган масалалар бўйича Қўмитанинг ёзма тавсиялари тузилиши мумкин, улар банк Кузатув кенгашига тақдим этилиши керак. Қўмитанинг бундай тавсиялари банк Кузатув кенгашида кўриб чиқилаётган масала бўйича Қўмитанинг фикрини акс эттиради ва мазкур тавсиялар объектив ва асослантирилган бўлиши керак.

47. Қўмита мажлисларининг баённомалари, шунингдек сиртдан овоз бериш бюллетенлари ва бошқача тарздаги овоз бериш маълумотлари банк Кузатув кенгаши котибияти томонидан сақланади. Банк Бошқаруви Қўмита мажлислари баённомаларининг хавфсиз сақланиши учун шарт-шароитлар яратиш, Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар нусхалари, овоз бериш бюллетенлари, баённомалар журнали, Қўмита мажлислари баённомаларидан кўчирмалар бериш учун жавобгардир.

9-боб. Қўмита фаолияти самарадорлигини баҳолаш

48. Банк Кузатув Кенгаши томонидан Қўмитанинг ҳар бир аъзосининг самарадорлигини йилига камида бир маротаба қўмитанинг ўтган даврдаги фаолиятини баҳолаш мақсадида кўриб чиқади.

10-боб. Қўмита аъзоларига мукофотлар

49. Қўмита аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори, банкнинг Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлашни белгилаш ва тўлаш ҳамда уларнинг

харжатларини амалга ошириш бўйича қоидаларни ўз ичига олган банкнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ белгиланади ва тўланади.

11-боб. Қўмита фаолияти тўғрисидаги ҳисобот

50. Қўмита ҳар чоракда банк Кузатув кенгашига ўзининг фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисботини тақдим этади.

51. Қўмита ҳисботи муҳокама қилинган масалалар, тасдиқланган иш режанинг бажаралиши ва банк Кузатув кенгаши топшириқларининг ижро этилиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

52. Қўмита ҳисботи банк Кузатув кенгашига Қўмита раиси номидан ёки Қўмита томонидан тайинланган бошқа аъзо номидан ёзма ёки оғзаки маърузалар шаклида бўлиши мумкин.

12-боб. Қўмита аъзоларининг жавобгарлиги

53. Қўмита аъзолари ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажабуриятларини бажаришда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

54. Банкка заарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган Қўмита аъзолари жавобгар бўлмайди.

13-боб. Якуний қоидалар

55. Ушбу Низом банк Кузатув кенгашининг қарори билан тасдиқланган кундан эътиборан кучга киради.

56. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар банк Кузатув кенгаши қарори билан киритилади.

57. Ушбу Низом кучга кирган кундан бошлаб банк Кузатув кенгашининг 2021 йил 13 августдаги 7-сонли баённомаси билан тасдиқланган банкнинг “Аудит қўмитаси тўғрисида”ги Низоми ўз кучини йўқотади.

58. Ушбу Низом шартларини бузганлиқда айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

